**Янгиқўрғон туман мактабгача таълим бўлимига қарашли Истиқбол МФЙ-да жойлашган 16– сонли мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича №1- сонли пудрат**

# Ш А Р Т Н О М А С И

*«27» июн 2022 йил* *Янгиқўрғон тумани*

**Янгиқўрғон туман мактабгача таълим бўлими** номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар **М.Жўрабоев** бир томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) **ва “BUNYODKOR” MCHJ** номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар **А. Набиев** иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I.Шартнома мавзуси

**1.** Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Истиқбол МФЙ-да жойлашган 16 – сонли мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мажбурятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофиқ объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II.Умумий шартлар

**1.** Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-2,.Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тулов учун такдим этилади.

**2.** Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

**3.**Бажарилган ишлар далолатномаси ҳар ойнинг 10 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

**4.** Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишдарни микдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

## III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таьминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбурятларни тулик хажмда бажариш мажбурятини ўз зиммасига олади.

5.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойха смета хужжатларида хисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан кўшимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аниклаupdated бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

## IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

Кўриб чиқган юрист: BOZORXONOV JALOLIDDIN NOMONXON O‘G‘LI. Ҳужжат рақами: ZU0726638580

1.Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олиш

2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиши.

3.Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## V.Тўловлар ва хисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтда тижорат таклифидаги умумий суммаси **478438696 (Тўрт юз етмиш саккиз миллион тўрт юз ўттиз саккиз минг олти юз тўксон олти )** сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлик равишда ўзгармайди.

2.Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг **30** фоиз микдорида аванс ўтказади, бу эса **143531608.80 (Бир юз қирк уч миллион беш юз уттиз бир минг олти юз саккиз** ) сум 80 тийин сўмни ташкил килади. Қолган тўловлар **70** фоизи **334907087.2 (Уч юз ўттиз тўрт миллион тўққиз юз етти минг саксон етти** ) сўм 20 тийин Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2. Ф-3) ларга асосан 30% тулов 10 кун , 70% тулов эса 60 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Хисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-ракамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгиланган кунга қадар тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай холатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5.Пудратчи обьект топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича обьектга мулк хуқуқини ўзида саклаб қолади. Обьект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига кабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган такдирда Пудратчи бу хакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

## VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1.Пудратчи обьектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбурятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи микдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

## VII.Низоларни хал этиш тартиби

1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодиёт суди томонидан кўриб чикилади.

## VIII.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1.Агар ушбу шартнома буйича мажбурятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу

холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таьсир этса. томонлар бундай тўлик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2.Мазкур шартнома буйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3.Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

## IX.Шартномани бекор қилиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меьёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддарга тухтатиб куйилганда,

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб куйилганда, конун хужжатларига мувофиқ бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга .

5.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор килишга йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно..

## **X.Алохида шартлар**

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йукотади. -

2.Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хақиқий хисобланади.

4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. « Буюртмачи » хамда « Пудратчи » томонидан тасдиклангандан сўнг юридик кучга киради ва Газначилик булинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдикланган ,хужжат коди : IR 484047343

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

**«Пудратчи»**

**“BUNYODKOR” MCHJ**

(товар, хизмат курсатувчи номи )

Манзил: Янгиқўрғон туман Қораёнток МФЙ Бирлашган кўчаси
Тел./факс:
х/р 20208000304028049001
Банк Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шахар

МФО: 01037
СТИР 203124107

МЧЖ рахбари А Набиев
М.Ў

**«Буюртмачи»**
**Янгиқўрғон туман мактабгача таълим бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Янгиқўрғон ш.Наманган кўча 13 уй

Тел./факс: 69-63-21-451
ш/ҳ:
Бюджетдан маблағ олувчи
401722860142427091100251004
СТИР:200119153
ОКОНХ:_________________________________

Ғазначилик бўлинмаси номи: Янгиқўрғон туман ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБ тошкент шаҳар ХККМ
МФО: 00014
СТИР: 201122919

Мудир: **М.Жўрабоев**
М.Ў

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1. Loyiha turi: Shartnoma;**

**2. Loyihani nomi:**

**«Yangiqo‘rg‘on tuman maktabgacha ta’lim bo‘limiga qarashli Istiqbol MFYda joylashgan 16– sonli maktabgacha ta’lim tashkilotini joriy ta’mirlash ishlarini bajarish bo‘yicha №1- sonli pudrat shartnomasi»**

*(Shartnomaning umumiy summasi 478438696 to‘rt yuz yetmish sakkiz million to‘rt yuz o‘ttiz sakkiz ming olti yuz to‘qson olti so`mni tashkil qiladi)*

**3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Yangiqo‘rg‘on tuman maktabgacha ta’lim bo‘limi nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbar M.Jo‘raboyev bir tomondan (*keyingi o‘rinlarda "Buyurtmachi" deb yuritiladi*) va "Bunyodkor" mas`uliyati cheklangan jamiyat nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbar A.Nabiyevlar o‘rtasida tuzilgan shartnoma loyihasi Yangiqo‘rg‘on tuman maktabgacha ta`lim bo`limi tomonidan yuridik xizmat ko‘rsatish markazidan huquqiy xulosa olish maqsadida 2022-yil 27-iyun *(Shartnoma loyihasi taraflar o`rtasida 2022-yil 27-iyun kuni tuzilgan hamda №1-raqami bilan qayd qilingan*) kuni «E-huquqshunos» dasturiga kiritilgan.

Mazkur shartnoma loyihasi, O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi **"Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi** 670-I-son qonunining 10-moddasi *(Xo‘jalik shartnomasiga nisbatan qo‘yiladigan talablar)* Xo‘jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko‘ra o‘zaro kelishuvga erishish lozim bo‘lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Xo‘jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (*ishlar, xizmatlar*) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo‘lmagan miqdorda oldindan to‘lab qo‘yish albatta nazarda tutilgan bo‘lishi kerak. Xo‘jalik shartnomasini tuzishda taraflar tegishli turdagi shartnomalar uchun ishlab chiqilgan hamda huquqiy ekspertizadan belgilangan tartibda o‘tkazilganidan so‘ng e’lon qilingan o‘zlarining namunaviy yoki tipovoy shartlariga (shakllariga) amal qilishlari mumkin. Bundan tashqari, ushbu qonunining 24-moddasida *(Xo‘jalik shartnomalarini bajarmaganlik yoki lozim darajada bajarmaganlik uchun taraflarning javobgarligi)* Taraflardan biri shartnoma majburiyatlarini bajarmagan yoki lozim darajada bajarmagan taqdirda, bu taraf: boshqa tarafga yetkazilgan zararni to‘laydi.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida, ushbu Qonunda, o'zga qonunchilik hujjatlarida va shartnomada nazarda tutilgan tartibda boshqacha tarzda javobgar bo'ladi.

**Agar qonunchilikda yoki shartnomada boshqa tartib nazarda tutilgan bo'lmasa, xo'jalik shartnomalarini bajarmaganlik va lozim darajada bajarmaganlik uchun ushbu Qonunning 25 — 32-moddalarida nazarda tutilgan javobgarlik choralari qo'llaniladi.** 25-modda. (*Tovarlarni yetkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborganlik, to'liq yetkazib bermaganlik, ishlarni bajarmaganlik yoki xizmat ko'rsatmaganlik uchun javobgarlik*) Tovarlarni yetkazib berish muddatlari kechiktirib yuborilgan, to'liq yetkazib berilmagan, ishlar bajarilmagan **yoki xizmatlar ko'rsatilmagan hollarda, tovar yetkazib beruvchi (pudratchi) sotib oluvchiga buyurtmachiga kechiktirilgan har bir kun uchun majburiyat bajarilmagan qismining 0,5 foizi miqdorida penya to'laydi, biroq bunda penyaning umumiy summasi yetkazib berilmagan tovarlar, bajarilmagan ishlar yoki ko'rsatilmagan xizmatlar bahosining 50 foizidan oshib ketmasligi lozim.** Penyani to'lash shartnoma majburiyatlarini buzgan tarafni tovarlarni yetkazib berish muddatlarini kechiktirib yuborish, to'liq yetkazib bermaslik, ishlarni bajarmaslik yoki xizmatlarni ko'rsatmaslik oqibatida yetkazilgan zararni qoplashdan ozod etmaydi. 26-modda. (*Sifati, assortimenti va navi lozim darajada bo'lmagan tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) yetkazib berganlik uchun javobgarlik)* Agar yetkazib berilgan tovarlar, bajarilgan ishlar yoki ko'rsatilgan xizmatlar sifati, assortimenti va navi bo'yicha standartlar, texnik shartlar, namunalarga (etalonlarga) qonunchilikda yoki xo'jalik shartnomasida belgilangan boshqa majburiy shartlarga mos kelmasa, sotib oluvchi (buyurtmachi) tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) qabul qilish hamda ularning haqini to'lashni rad etib, yetkazib beruvchidan (pudratchidan) sifati, assortimenti va navi lozim darajada bo'lmagan tovarlar (ishlar va xizmatlar) qiymatining 20 foizi miqdorida jarima undirib olishga, agar tovarlar (ishlar va xizmatlar) haqi to'lab qo'yilgan bo'lsa, to'langan summani belgilangan tartibda qaytarishni talab qilishga haqlidir. Sifati, assortimenti va navi lozim darajada bo'lmagan tovarlar (ishlar, xizmatlar) yetkazib berganlik uchun jarima yetkazib beruvchidan (pudratchidan) akseptsiz tartibda undirib olinadi. Jarimani undirish to'g'risidagi to'lov talabnomasi bank muassasasiga tovarlarning (ishlarning, xizmatlarning) sifati, assortimenti va navi lozim darajada emasligi to'g'risidagi dalolatnoma tuzilgandan keyin o'n kun ichida taqdim etiladi.

Shuningdek, jarimani undirish to'g'risidagi to'lov talabnomasi belgilangan o'n kunlik muddatni buzgan holda taqdim etilgan hollarda, jarimani undirish belgilangan tartibda amalga oshirilishi belgilangan. Shu sababli, shartnoma loyihasi yuqoridagi qonun talablari hamda boshqa turdagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

4. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig`i** **J. Bozorxonov**

*2022-yil 27-iyun*

# М У Х О К А М А     А Х Б О Р О Т И

27 .06.2022 йил                                                                                   Янгиқўрғон шахри

Наманган вилояти худудидаги Янгиқўрғон туман Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил “17 ” июндаги № **22110012103053** сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Янгиқўрғон туман мактабгача таълим бўлимига қарашли Истиқлол МФЙ жойлашган 16- сонли мактабгача таълим ташкилотини биносини мукаммал таъмирлаш** (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **ООО ORIF QURILISH , CHINDAVUL QURILISH INFO МЧЖ , BUNYODKOR МЧЖ - лар** томонидан берилган таклифлар орасида **BUNYODKOR МЧЖ** комиссия аъзолари энг мақбули деб топилди.

Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Янгиқўрғон туман МТБ мудири**                                   **М .Жўрабоев**

**Бош хисобчиси**                                                          **Н.Нишанов**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 103053 на приобретение 16-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 17.06.2022

Время рассмотрения 16.06.2022 20:25

Конкурсная комиссия Янгикургон туман мактабгача таълим булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JO'RABOYEV MEXRO'ZBEK MUXTORJON O'G'LI | Рахбар | Мактабгача таълим |
| **Секретарь комиссии** | YULDASHEVA TURSUNOY KARIMJANOVNA | Шартнома булими хисобчиси | Янгикургон МТБ |
| **Член комиссии** | NISHANOV NAZIRJON SOBIRJONOVICH | Бош хисобчи уринбосари | Янгикургон МТБ |
| **Член комиссии** | MAMATOV BEKZOD G'ULOMJON O'G'LI | Бош иктисодчи | Янгикургон МТБ |
| **Член комиссии** | RAXIMOV AVAZBEK ZAMONOVICH | Хизмат булими бошлиги | Янгикургон МТБ |
| **Член комиссии** | MUSALJONOV ELMUROD BAHROMJON O'G'LI | Хизмат бўлими мутахасиси | Янгикургон МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.06.2022 года № лота 103053.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 60.00 / Весовой коэф. ценовой части: 40.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту сооружений** |
|---|---|
| Подробное описание | Хизматлар сифатли ва давлат стандартларига тула жавоб берадиган холда бажарилиши шарт |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 489 054 450.00 |
| Стартовая сумма | 489 054 450.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 7 | 7 | 5 | Экспертная | | |
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 7 | Жамият масъул ходимлари томонидан Курилиш майдони куздан кечирилди. Куздан кечирилганлик тугрисида илова | 3 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 7 | 478438696 | 3 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 19 | 19 | 18 | Экспертная | | |
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 19 | Чиндовул курилиш инфо хакида умумий маълумот, гувохнома, Рейтингдаги тоифаси хамда мавжуд сертификатлар | 10 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 19 | 478438696 | 18 | Экспертная | | |

Критерий №3 Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 34 | 34 | 22 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 34 | Ф-1, Ф-2, Аудит хулосаси, Айланма маблаглари тугрисида маълумотнома, Банк Справка | 22 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 34 | 478438696 | 22 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 25 | 25 | 19 | Экспертная | | |
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 25 | Опыт работа | 20 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 25 | 478438696 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 15 | 15 | 12 | Экспертная | | |
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 15 | Корхонанинг мавжуд хамда ижарадаги машина ва механизмлари тугрисида маълумот | 12 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 15 | 478438696 | 13 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 489 054 450.00 | 459 711 000.00 | 16.06.2022 02:25:40 | 40.00 |
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 489 054 450.00 | 489 000 000.00 | 16.06.2022 00:08:59 | 37.60 |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 489 054 450.00 | 478 438 696.00 | 16.06.2022 | 38.43 |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 34 | Ф-1, Ф-2, Аудит хулосаси, Айланма маблаглари тугрисида маълумотнома, Банк Справка | 22 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 34 | 478438696 | 22 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 25 | 25 | 19 | Экспертная | | |
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 25 | Опыт работа | 20 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 25 | 478438696 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 15 | 15 | 12 | Экспертная | | |
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 15 | Корхонанинг мавжуд хамда ижарадаги машина ва механизмлари тугрисида маълумот | 12 | Экспертная | | |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 15 | 478438696 | 13 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ | 489 054 450.00 | 459 711 000.00 | 16.06.2022 02:25:40 | 40.00 |
| ООО ORIF QURILISH SILVER | 489 054 450.00 | 489 000 000.00 | 16.06.2022 00:08:59 | 37.60 |
| БУНЕДКОР МЧЖ | 489 054 450.00 | 478 438 696.00 | 16.06.2022 | 38.43 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | 10:39:04 | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **CHINDOVUL QURILISH INFO МЧЖ** | 40.2 | 40 | 80.2 |
| **ООО ORIF QURILISH SILVER** | 45.6 | 37.60417 | 83.20417 |
| **БУНЕДКОР МЧЖ** | 45.6 | 38.43427 | 84.03427 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 103053 от 17.06.2022 года на приобретение 16-ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

БУНЕДКОР МЧЖ
203124107

и резервный исполнитель: ООО ORIF QURILISH SILVER (307211665)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JO‘RABOYEV MEXRO‘ZBEK MUXTORJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MUSALJONOV ELMUROD BAHROMJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | RAXIMOV AVAZBEK ZAMONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NISHANOV NAZIRJON SOBIRJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAMATOV BEKZOD G‘ULOMJON O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП